Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
6 ИЮНЬ 1970 й.
ШАНБА
№ 132 (1200).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



БИР ОВОЗДАН

Чилонзор районидаги 9-ҳунар-техника билим юрти биносида жойлашган агитпункт дид билан безатилган.

Хона деворларидаги «Ленин ҳамиша биз билан» фотостендига дарров кўз тушади.

Биз агитпункт мудири Акбар Қосимов билан суҳбатлашганимизда, у муҳим снёсий кампанияга пухта тайёргарлик ишлари олиб бораётганлиги, ишчан агитаторларнинг фаолиятлари, бундан кейинги амалга ошириладиган муҳим тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди.

Қирққа яқин агитаторнинг сайлов олдидан олиб бораётган ишлари сайловчиларга манзур бўлмоқда. Улар 115-Тошкент-Чилонзор сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган, «Пардозлаш» трестига қарашли 29-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Каримжон Муслимовнинг ҳаёт йўли ҳақида сайловчиларга сўзлаб бермоқдалар. 47-сайлов участкасига келиб овоз берадиган барча сайловчиларга таклиф қоғозлари тарқатилди.

А. Сулаймонхўжаев
138-мактаб ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Дағистон область комитети, Дағистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиума ва Министрлар Совети кўп миллатли Дағистон халқининг ҳис ва туйғуларини ифодалаб, сизларга ва сизлар орқали қардош ўзбек халқига табиий офат сабабли самимий дардкашлик ва бирдамлик изҳор қилганликларингиз учун ҳамда зилзила оқибатларини тезроқ тугатиш ишида қатта ёрдам берганлигингиз учун чин кўнгилдан қизғин ташаккур айтадилар.

Қардош Ўзбекистон ССР 1970—1971 йилларда Дағистон диёрида йигирма минг квадрат метр уй-жой майдони, 6 минг қишлоқ мўлжалланган жамоат—савдо маркази, 280 ўринли болалар боғчаси ва район қозонхонаси лойиҳасини тузиб ва шуларни қуриб беришга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб Дағистон меҳнаткашлари ниҳоят даражада миннатдор бўлишди.

Сиз азиз дўстларга хурсандлик билан шуни хабар қиламизки, бошимизга тушган оғир кунларда биз Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети, Совет Ҳукумати қилган оталарча ғамхўрликни ва эътиборни, табиий офат оқибатлари билан курашда биз билан ёнма-ён турган қардош халқлар дўстона қалбининг ҳароратини айниқса ўткир ҳис қилдик. Мана шуларнинг ҳаммаси табиий офат оқибатларини тугатиш йўлидаги курашда бизга ғайрат ва қувват бағишлайди, партия ва ҳукумат, Советлар мамлакатининг халқлари ёрдамида Дағистон меҳнаткашлари зилзила етказган жарохатларни тузатиб оладилар, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклайдилар, халқлар ленинчи дўстлигининг рамзи бўлиб қола оладиган янги уйлар ва бинолар қуриб оладилар деган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Улуғ социалистик Ватанимиздаги ҳамма халқлар ўзларининг беғараз қардошлик ёрдамларини таклиф қилиб, бизга нисбатан зўр ҳиммат билан дўстона дардкашлик қилганликлари ва кўнглимизни кўтариб мадад берганликларини Дағистон меҳнаткашлари асло унутмайдилар.

КПСС ДОҒИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ. ДАССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ. ДАССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «ВЛКСМ XVI съезди якунлари ва Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Ҳ. Абдуллаева доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокаралардан кейин пленум шу масала бўйича қарор қабул қилди.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала — «Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида доимий ҳаракатдаги комиссияни тасдиқлаш» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Б. Арсентьев сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий бўлими мудири Г. М. Орлов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инструктори Ф. Н. Зинченко ўртоқлар қатнашдилар.

МАДАДКОРЛАР

- ДОН ҲОСИЛИ ТЕЗ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНАДИ
- ТАШАББУС ҚАНОТ ЕЙМОҚДА
- ҒАЛЛАЗОРЛАР ЕРДАМЧИЛАРНИ КУТМОҚДА
- ҚУЛНИ-ҚУЛГА БЕРИБ

«Тошкент оқшоми» газетасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларининг пойтахтимизнинг барча аҳолисига қарата мурожаати эълон қилингандан сўнг ана шу қимматли ташаббусга қўшилган ишчиларнинг номи район партия комитетида маълум бўлиб қолди. Бу кўнгиллилар республикамиз ғаллазорларида етиштирилган мўл дон ҳосилини ўриб-йиғиб олишда иштирок этишга аҳд қилган ватанпарвар кишилардир.

Район партия комитетига биринчи бўлиб «Главстройиндустрия» га қарашли тажриба-механика заводининг директори Л. Гершберг кўнғироқ қилиб, шундай деди:

— Менинг олдимга ҳайдовчи Владимир Ермачков келиб, уни дон ҳосили ўриб-йиғиб олишда иштирок этишга аҳд қилган ватанпарвар кишилардир.

Район партия комитетида райондаги саноат корхоналарининг ҳамма директорлари ва партия комитетларининг секретарлари, транспорт илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари ва лойиҳа ташкилотларининг раҳбарлари тўпландилар. Улар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларининг ташаббусини муҳокама қилиб уни якдиллик билан маъқулладилар.

Пахта тозалаш саноати марказий илмий тадқиқот институтининг директори А. Нуралиев жумладан шундай деди:

— Бизнинг институтимиздан иккита кишини ғалла ўрим-йиғимига юборишимизни сўраган эди. Лекин коллективимиз аъзолари икки кишини эмас, балки бир неча кишини, қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурига ҳашарга юборишга қарор қилди. Колхозчиларимиз мўл дон ҳосили етиштирган эканлар, бунинг учун уларнинг отасига балли! Бу ҳосилни йиғиб олиш ва уни давлатга топширишда биз шаҳарликларнинг ёрдамимиз керак бўлиб қолган экан, биз албатта ғаллакорларга ёрдам берамиз.

Ана шу фикрни тўқимачилик маҳсулотлари ҳизматчилари, тўқимачилар, пойафзалчилар, тикувчилар ҳам қизғин маъқуллашди.

Шундай қилиб, Фрунзе ва Сергели районларидан 50 га яқин киши бир ой мобайнида ғаллазорларда меҳнат қилишга бел боғлашди. Студентларнинг ажойиб ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида «лаббай» деб жавоб берганлар ичида ҳайдовчи В. Ермачков, слесарлардан В. Артеменко, Р. Саъдуллаев, автослесарь В. Монастырёвлар бор. Биз бу қалби олов ларга ишда зафар тилаймиз.

Л. СИЛЬЧЕНКО,
Фрунзе район партия комитети саноат бўлимининг инструктори.

ШИНАМ ВА ЁРУҒ УЙЛАР

«ГЛАВСРЕДАЗКРСОВХОЗСТРОЙ»НИНГ «ОРГ. ТЕХСТРОЙ» ТРЕСТИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН СИЛИКАТ БЛОКЛИ ПАНЕЛЛАРДАН ҚУРИЛАДИГАН ТИПОВОЙ УЙЛАР ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ.

Тез ва арзон бунёд этиладиган бир қаватли уйлар кенг ва ёруғ бўлиб, барча қулайликларга эга. 3,4 хонали уйларнинг умумий сатҳи 63 квадрат метрдан 126 квадрат метргачадир.

Пойтахтимиз архитекторлари ижод қилган уйларнинг дастлабки серияларини Мирзачўл район совхозларида жадал суратда қурилаётир.

ИНСОН ИРОДАСИ МАДҲИ

Куни-кеча, республика «Ёш гвардия» драма театрида янги спектакль жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. В. Титов ва К. Миленколарнинг қиссаси асосида саҳналаштирилган бу спектакль «Ўлимларни қолдириб догда...» деб аталади. Унда фалокат натижасида оғир шикастланган, аммо ҳаётга муҳаббати билан ўлимларни догда қолдирган инсон иродаси мадҳ этилади.

Асарни рус тилидан Ҳ. Рўзиматов таржима қилган, В. Радун ва Э. Мусаффоевлар саҳналаштирган.

* *Янги спектакль*



Октябрь районидаги 14-мактаб биносига жойлашган агитпункт ишчан агитаторлари сайловчиларни муносиб кутиб олишга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

СУРАТДА: агитпунктнинг бир гуруҳ агитаторлари навбатдаги қилинадиган ишларни ўзаро келишиб олмоқдалар.

«О Р З У»

Пластмасса буюмлари заводи ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун мўлжалланган пионер лагери Паркент кишлоғида жойлашган. Корхона ёшлари ана шу лагерда бир неча бор ҳашар ўтказишди, гулзорлар, спорт майдонлари барпо қилишди, лагерни ям-яшил боққа айлантириб, унга «Орзу» деб ном беришди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

МАРҲАМАТ, ШАҲАРЛИКЛАР

Бугун

тонгданоқ минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз тушган машиналар карвони Тошкент— Чимён йўлларида турна қатор бўла бошлади. Тоғлар, дарёлар, боғ-роғлар бағрига ошиқаётган дам олувчилар орасида машинасозлар, авиаторлар, темирйўлчилар, қурувчилар, хизматчилар бор.

Уларга қандай шароитлар яратилган? Биз ана шу савол билан Бўстонлиқ район ижроия комитетига мурожаат қилдик. Трубканн ранс ўринбосари П. ШУМИЛИН олди.

— Павел Николаевич, дам олишга чиққан шаҳарликлар қандай кутиб олинмоқда?

— Бўстонлиқ районининг бағри кенг. Сўлим жойлар бир-биридан яхши. Уларда яйраб ором олишга нима етсин. Мана бугунги манзарани кўриб қувонамиз. Гўё шаҳар кўчиб келганга ўхшайди. Ўйин-кулги, музика оҳанглари ҳамма жойда авжга чиқмоқда. Тахминий ҳисобга қараганда районимизда ўн мингга яқин дам олувчи бор. Уларнинг барчаси яхши кутиб олинди.

— Маданий хизмат кўрсатиш ҳақида нималар дейсиз?

— Шу йилнинг апрель ойида Тошкент область ижроия комитети областнинг дам олиш зоналарида шаҳарликларга хизмат кўрсатиш чоралари ҳақида махсус қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан Бўстонлиқ районида бир қатор тадбирлар белгиланди.

Кўчма кино установкалар янги фильмларни намойиш қилишса, турли хўжаликларнинг бадиий ҳаваскорлари ўз концертлари билан дам олувчиларни хушнуд этишмоқда. Бундан ташқари прокат пунктлари, ошхоналар, чойхоналар, клублар, маиший хизмат пунктлари ҳам меҳмонларга маданий хизмат кўрсатяпти.

— Дам олиш уйлари, лагерлар, туристик базалар ҳақида нима дейсиз?

— Бўстонлиқда ҳар тонг эрталаб горнларнинг садоси баралла янграйди. Районда турли ташкилотларининг қирқ олтита пионер лагерларида ёз мавсуми бошланди. Уларда бир неча минг эркатой тоғ ҳавосидан баҳра олмоқда.

Бундан ташқари Чкалов номли авиация заводи, «Узбекбирлашув», «Оқтош», Обираҳматда ва бир қатор олий ўқув юртларининг студент лагерларида дам олиш қизғин бошланди. Ҳозирги дақиқада дам олувчиларнинг умумий сони ўттиз мингга етиб борди.

Тошкент область туризм совети бу ерда махсус база ташкил этиб яхши иш қилди. Унда тўрт юз шаҳарлик бор. Базада икки, ўн икки кун дам олиш мумкин.



Шаҳарликлар Бўстонлиқнинг энг сўлим жойида палатка қуриб олишди. Тоғ ҳавоси, дард давоси, деганлари рост.

СУРАТДА: «Ташсельмаш» дам олувчилари.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ УЧУН

Барча олий ўқув юртларидагидек, Тошкент Давлат медицина институтида ҳам имтиҳонлар сессияси давом этяпти. Ҳадемай, студентлар имтиҳонларни топшириб, турли томонларга практика ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришу учун лагерлар, дам олиш уйлари, санаторийларга жўнаб кетадилар.

Улар учун Иссиқкўл ёқасида саёҳатга ҳам чиқишади, спорт лагери ташкил қилинган. Бу лагерда аълочи, жамоат ишларида актив қатнашган студентлардан уч юзга яқини ёз давомида дам олади. Бундан ташқари, дам олиш уйлари ва санаторийларига юздан ортиқ кишига арзон нархда путёвкалар берилади. Студентлар Иттифоқимизнинг турли жойларига туристик саёҳатга ҳам чиқишади.

ЁЗДА ҚИШ МАНЗАРАСИ

Шаҳримизда жазирама ёз. Пойтахтимиздан эллик-олтмиш километр нарида эса, ўзгача манзара. Чимён тоғларида кўзни қамаштирувчи кумуш қор туристларни ўзига чорламоқда.

Бугун

«ГЛАВСТРОЙИНДУСТРИЯ»НИНГ 1-РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ ЧАНҒИЧИЛАР ОТРЯДИ ТОҚҚА ЙЎЛ ОЛИШДИ. Электр пайвандчи Евгений Боженов бошчилигидаги бу отрядда йигирмага яқин чанғичи бор. Улар қор сайрида ором олиб, ҳордиқ чиқаришади.

ТУРК ҚЎШИҚЧИСИ ТАШРИФИ

Бугун

шаҳримизга таниқли турк ашулачиси Незрин Сипоҳи меҳмон бўлиб келди. Унинг ёқимли, ўйноқи қўшиқларини ўзбек санъат мухлислари радиодан шарқ халқлари куйлари берилганда кўп бор тинглаганлар. Бугун ва эртага Свердлов номли концерт залида ҳамшаҳарларимиз Незрин Сипоҳининг турк ва бошқа халқлар тилларида ижро этган дилрабо ашулаларини яна бир бор эшитишга муяссар бўладилар.

ҲОСИЛ КАРВОНЛАРИ

Бугун

Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон маҳсулот пункти ишчи-хизматчилари шу кунларда колхоз ва совхозлардан маҳсулот қабул қилиш ва шаҳарликларга етказиб беришда жонбозлик кўрсатяптилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳарликлар дастурхонига пункт ходимлари 35 тонна қулупнай, 13 тонна гилос тортиқ қилдилар. 10 тонна қулупнай Москва аҳолиси учун жўнатилди.

200 ТОННА РЕДИСКА, 50 ТОННА ПИЁЗ ШАҲАР ДЎКОНЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-9» кемаси 4 июнь Москва вақти билан соат 18 дан 15 минут ўтгунга қадар Ер атрофини 46 марта айланиб чиқди.

Совет Иттифоқининг ердаги кузатиш станциялари радио орқали алоқа боғлашига имкон берадиган зонага кема ўтгандан кейин соат 15 дан 28 минут ўтганда тўртинчи иш кунининг биринчи радио алоқа сеанси бошланди. Кема командири Николаев ҳар иккала космонавт жуда мириқиб ва яхши ухлаб олганлигини, ўзларини яхши ҳис қилаётганликларини ва кайфлари чоғ эканлигини хабар қилди.

Николаев билан Севастьянов ўртоқлар илмий техникавий экспериментлар программасини бажаришни давом эттириб космик кемани юлдузларга қараб қўлда бошқариб боришга имконият берувчи аппаратларни ишлатиб кўрдилар.

Кема ернинг соясида турган пайтда борт инженери Севастьянов Вега юлдузини кўриб қолди ва кемани қўлда бошқариш системасидан фойдаланиб, уни юлдуз датчик кўрадиган доирага оптик визир ёрдамида олиб ўтди. Юлдуз датчикка «юлдузни тутиш» командаси берилганидан кейин кема командири Николаев шу команда бўйича кеманн гиро асбоблар ёрдамида муқимлаштирди. Шу вақт ичида космонавт Севастьянов юлдуз уфқдан қанчалик баландда турганлигини секстант ёрдамида ўлчаб аниқлади.

Бундан ташқари кема учиб бораётганда космонавтлар хилма-хил медицина экспериментлари ва тадқиқотлари олиб боришди. Телеметрия маълумотларига ва космонавтларнинг айтишларига қараганда, уларнинг ишлаш қобилияти юксак даражада сақланиб турибди.

«Союз-9» космик кемасининг экипажи учиш программасини муваффақиятли бажариб бормоқда.

ПСКОМ ВОДИЙСИГА САЁҲАТ

Шанба ва якшанба кунлари қаерларда мириқиб ором олиш мумкин? Кўпгина газетхонлар ана шу саволга жавоб беришимизни сўрамоқдалар. Бугундан бошлаб, биз саёҳат ошкларини бир қатор ажойиб оромгоҳлар, табиати гўзал водийлар маршрути билан таништирамиз.

Бугун


Пском водийсига сафар қиламиз. Яқин келажакда улкан Чорвоқ сув омбори тоғ дарёларидан оқиб келаётган зилол сувлар билан лиммолим тўлади. Сунъий тоғ денгизи яратилиб, табиатга яна бир ҳуси бахш этилади. Кўл атрофида «Тошкент — Ғазалкент — Чорвоқ» автомагистралларини бир-бири билан боғлайдиган катта ва тўғри йўл ўтади. Чорвоқдан чиқиб Пском водийси, Бурчмулла, Обираҳмат, шундан кейин эса, Чимённинг яшил боғларида дам олиб, Меливой довони оша Ғалвасой водийсидан ўтиб Ғазалкентга бориш мумкин.

Чорвоқ сув омбори лиммо-лим тўлгач, унинг қирғоқлари бўйлаб боғ-роғлар, хиёбонлар, санаторийлар, пагерлар, туристик базаларнинг корпуслари қад кўтаради.

Шу кунларда ҳам, сув омбори атрофларида сайр қилиб, ором олиш мумкин. Йўл-йўлакай, катта-кичик чашмалар, яшил ўрмонзорлар учраб туради.

Пском дарёсининг бутун бағрига жойлашган водий ўзининг табиати, гўзаллиги билан мафтун этади. Водийнинг қуйи қисмида Сижжак, Нанай, Боғистон каби тоғ қишлоқлари бор. Улар Тошкентдан саксон-беш тўқсон-беш километр узоқликда жойлашган. Бу қишлоқларга Салор автостанциясидан Чорвоққача рейсли автобуслар қатнайди.

СУРАТДА: Пском харитаси.



ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Борлиқ нурга қўмилган. Автобус Куйбишев кўчаси бўйлаб елдай учяпти. Ҳаммасининг юзида шодлик, табассум. Ана, Чирчиқ. Қирғоқ тошларига урилиб чайқалмоқда.

Автобус чашга бурилди ва кўз ўнгимизда Тошкент денгизининг панорамаси ястанди. Зилол сув сатҳида зангори қайиқчалар. Ором олгани бу ерга келган кишилар жуда кўп. Биз ҳам шинам чойхона ёнидаги кўм-кўк майсазор узра давра қурдик. Кулги, ҳазил-мутойиба давом этади.

Корхонамизнинг ишғор автокранчиси Юрий Фраткин ўғилчасини сузишга ўргатмоқда. Жўра Мирбобоев шу ерда ҳам мастер Николай Зайцон билан кранларнинг иш жараёни ҳақида баҳслашмоқда. Дистанция бошлиғининг ўринбосари Гришко эса чордона қуриб табиатга маҳлиё бўляпти.

Корхонамизда уч мингга яқин киши ишлайди. Товар станцияси ва юк тушириш дистанцияси ўзаро ҳамкорликда ишчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун режалар тузиб қўйишган. Келгуси ҳафталарда Чимён, сўнг Бурчмулла, яна денгизга борамиз.

Э. ОХУНЖОНОВ,
Тошкент товар станциясининг ишчиси.

АКАДЕМИК ТОШМУҲАММАД НИЁЗОВИЧ ҚОРИНИЁЗОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидагиларга Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзовнинг номини қўйдилар: Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги педагогика фанлари Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтига, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг олий математика кафедрасига, Қўқон шаҳридаги 20-мактабга.

Тошкент шаҳридаги Учительская кўчасининг номи ўзгартирилиб, у Қориниёзов номли кўча деб аталсин.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли Давлат университетида ва Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Т. Н. Қориниёзов номида биттадан стипендия белгилаб қўйилсин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига Т. Н. Қориниёзов қабри устига унинг бюстини, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти биносининг олд томонига мемориал тахта ўрнатиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига Т. Н. Қориниёзов қабри устига қўйиладиган бюстни лойиҳалаш ва ўрнатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш топширилди.



Ушбу суратда 153-трест 1-қурилиш бошқармасининг пешқадам бетончилари (чапдан ўнгга) Олим Ҳайитбоев, Собир Орипов ва Абдулҳақ Газизовларни кўриб турибсиз. Бу азаматлар ҳозир Тошсовет номидаги физиотерапия касалхонасининг янги биноси қурилишида меҳнат қилмоқдалар. Бино қурилиши тез ва сифатли амалга ошириляпти. Бунда пешқадам бетончиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

И. ШОИНАҒОМОВ фотоси.

УЛКАН ГУМАНИСТ

Буюк немис ёзувчиси Томас Манн туғилган кунининг 95 йиллигига

Улкан сўз санъаткорлари даврасида баъзан шундайлари бўладики, дастлабки кичик ёхуд ўртамиёна асарлари биланоқ ялт этиб ёнадилар ва машъал бўлиб порлайверадилар. Ёзган асарлари қўлдан-қўлга ўтаверади, тилдан-тилга кўчирилиб ёзувчи шуҳратини узоқ-узоқларга элтади.

Немис халқининг буюк ёзувчиси, улкан гуманист адиб Томас Манн ҳаётида ҳам худди шундай бўлди. Йигирма олти ёшга энди қадам қўйган, ҳали адабиёт оламида кўринмаган Томас Манн «Будденброклар», «Бир оила инқирози» романини ёзади. Унинг жаҳон бўйлаб қанот қоққан довруғи халқаро миқёсда баҳоланишга сабаб бўлади. Ёш ёзувчи немис адиблари орасида ягона бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлади. У жамиятнинг кичик ячейкаси бўлган бир оила мисолида буржуазия инқирозини тасвир этади. Асарларида буржуазия тузумининг тарих саҳнасидан улоқтириб ташланиши яққол кўринib турадн.

Чақмоқдай бошланган ижод бароридан келади дегандай Т. Маннинг ижоди гуллай бошлади. 1900—1917 йиллар орасида унинг қатор новеллалари босилиб чиқади. Уларда ёзувчи буржуазия тузумининг касалманд санъатини, ноқобил санъаткорларини тасвирлайди.

1930 йиллари Германия устида қора булутлар соя сола бошлаганда Т. Манн уни биринчилар қатори пайқади. У ўзининг «Мария ва Жаддол» асарини ёзиб халқни фашизм хавфидан огоҳлантирди.

Шўрлик Германия бошига бир умрга етгули кулфатлар ёғдирган фашистлар ҳоким бўлиб қолгач, буюк адиб Т. Манн икки юз элликдан ошиқ немис сўз санъаткорлари сафида фашизмга норозилик белгиси сифатида ўз Ватанини тарк этади.

Энди унинг муҳожирлик даври бошланади. Узга юртда яшаб Германия тақдирини ўйлайди. Гитлер фашизмининг варварлик, боскинчилик сиёсатини аёвсиз фош қилади. Юксак савиядаги бадиий асарлар «Иосиф ва унинг инклари» трилогияси, «Сеҳрли жаҳаннам» ва «Лотта Веймарда» кабилар қаторида «Эҳтиёт бўл, Европа», «Яқинлашаётган демократик кучлар ғалабаси» ва «Антикоммунизм давримиз кўрлиги» публицистик мақолалари давр билан ҳамнафас бунёд этилади.

1947 йили Т. Маннинг «Доктор Фаустус» асари дунёга келади.

Адибнинг шоҳ асари бўлиб майдонга келган бу роман кенг кўламдаги ғоялар ва кўплаб философик қарашлар ва проблемаларнинг таҳлили, ҳаётий конфликтларнинг кўплиги билан ҳам энциклопедик асардир. Асарда ёзувчини фақат эстетик проблемаларгина эмас, балки ундан ҳам кўпроқ ижтимоий муаммолар ташвишлантиради. Асарнинг асосий темаси ҳозирги замон буржуа жамиятида санъаткор тақдири ва санъат муаммолари масаласи билан боғлиқ.

Буржуа демократик ёзувчиси погонасидан танқидий реализм майдонигача чарчамай ижод қилган Томас Манн 1875 йилнинг 6 июнида Любек шаҳрида туғилади. Ўлмас ғоялари, орзулари билан барҳаёт Т. Манн илғор инсоният қалбида ҳамиша яшайди. У бир умр орзу қилган мақсадлар ватанининг бир қисми — Германия Демократик Республикасида бекамкўст амалга ошди.

С. А. КЕСТЕН,
Энгельс номидаги чет тиллар институтининг чет эл адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

М. ЛАТИПОВ
немис тили ўқитувчиси.

14 июнь — Сайловчилар куни

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

МЕҲНАТ ШАРАФИ

Альбина завод клубига етиб борганида йиғилиш бошланиб қолган ўтиришга бўш жой йўқ эди. У оёқда турганлар сафига қўшилиб, аввал нафасини ростлади, сўнг эса минбарда сўзлаётган ҳамкасбининг гапига қулоқ тутди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг нурли чеҳраларига ҳавас билан тикилди. Нурли чеҳралар Ҳаммаҳаммаси Альбинага таниш. Йўқ, танишгина эмас, ғоят қадрдон. Улар заводдошлари. Ширин хаёллар уни оғушига бошлади...

— Мен ҳамкасбимиз, актив жамоатчи Альбина Девятованинг СССР Олий Совети депутатлигига номзодини кўрсатиш тўғрисида коллективимиз таклифини йиғилиш қатнашчиларига етказиш билан бахтиёрман, — деди минбардан туриб сўзлаётган киши.

Нотиқ сўзини тамомламасданоқ ҳаммаёқни олқиш садолари босиб кетди.

Фрезерчи аёл ўз исми - фамилиясини эшитганда бирдан энтикиб кетди. Азбаройи ҳаяжонланганидан кўзларида ёш ҳалқаланди. Бу унинг севинч ёшлари эди. Йиғилиш қачнашчилари томонидан депутатликка кўрсатилган номзод якдиллик билан маъқулланди. Сайлов олди йиғилиши тугаши билан Альбинани з а - воддош дугоналари, ҳамкасблари самимий қутлашди. У ўз навбатида юксак ишонч билдирганлиқл а р и учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Завод эшигидан чиқиб кетаётганида Альбина Девятовани устози В. С. Ануфриев кутиб олди.

— Табриклаймиз,— дея у шогирдй қўлини маҳкам қисди. —Кўпчиликнинг билдирган юксак ишончи ҳамиша йўлдошингиз бўлсин.

— Раҳмат, билдирган ишончларингизни оқлаш учун бутун кучимни сарфлайман, — деди Альбина устозига.

Устоз-шогирдлар бир-бирлари билан самимий хайрлашишди...

Ўшанда Альбина Девятова ўрта мактабининг сўнгги синфида ўқирди. У синфдошлари билан Чкалов номли завод қаршисидан ўтиб қолганда бу корхонанинг ҳар бир ишчисига завқ-шавқ билан тикиларди. Мактабни муваффақиятли тугатгач, албатта, шу ерга ишга келаман деб кўнглига тугиб қўйганди у ўшанда.

Бахт ва озодлик берган Она-Ватанимизда қимки, неки эзгу ният қилса, у, албатта, ўшанга эришмасдан қолмайди. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуд. Мақсадга қасд қилиб интилган етар дейилади халқ ҳикматларидан бири-да. Альбина ҳам шундай қилди. У етуклик аттестатини қўлига олгач, ёшликдан қалбига чўғ ташлаган орзуси — корхонага томон йўл олди. Завод коллективи уни меҳрибонлик билан қаршилади. Мана, шундан бери ўн йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Тажрибали ишчилар, мутахассислар унга билмаганини ўргатди. Бу борада, айниқса корхонанинг кекса ишчиси, мастер Владимир Сергеевич Ануфриевнинг хизмати катта бўлди. У шогирдига фрезерчилик ҳунарини атрофлича ўргатишдан сира-сира эринмади.

Бугунги кунда фрезерчи Альбина Девятова ўз устози каби корхонанинг энг тажрибали ишчиларидан бири ҳисобланади. У ўзининг фрезер станогида кунлик топшириқни икки баравар ошириб адо этмоқда. Фрезерчи аёл беш йиллик шахсий план топшириғини шараф билан бажаргани анча вақт бўлди. Ҳозирги вақтда у навбатдаги беш йилликнинг биринчи йили ҳисобига ишламоқда.

Ўз шогирдининг ҳар бир меҳнат зафарини эшитганда мастер В. С. Ануфриев ичидан суюнади. Ажойиб шогирдлар етиштирганидан қалби фахрланиш ҳисларига тўлиб кетади.

Меҳнатда синалган элда азиз деганларидек, у корхона коллективининг ҳурмат-эътиборини қозонди, уларга бўлган садоқатини кўрсатди. Завод коллективи фрезерчи Альбина Девятовага катта ишонч билдирди. Уни 622— Тошкент-Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Шу кунларда у юксак ишонч билдирган сайловчилар билан учрашмоқда. Бу учрашув йиғилишларида у ўзининг амалга ошираётган ибратли ишлари, меҳнат қилаётган цехи, мамлакатимиз бойлигига-бойлик қўшишдек эзгу йўлда жавдон ураётган завод аҳил коллективининг улкан режалари ҳақида сўзлаб бермоқда. Шунингдек, у сайловчиларнинг наказларини тинглаб, ён дафтарига қайд этиб олмоқда.

Сайловга тобора саноқли кунлар қолмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳаёти. да унутилмас воқеа бўлган сайловлар кунида барча сайловчилар қатори авиация заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам коммунистлар ва партиясизлар блокининг муносиб номзодларидан бири, ҳалқимизнинг ажойиб фарзанди Альбина Девятова учун ҳам овоз берадилар. Улар номзодга билдирилган ишонч шараф билан оқланишига ишонадилар.

К. ҲАМРОЕВ.

* *Меҳнат пешқадамлари*

ДИЛОРОМ

Дилором уйга жуда катта қувонч билан кириб келди. Ҳа, ҳаммаёқ гўзал бўлиб кўринар, ҳамма уни табриклаётгандек, у билан бирга қувонаётгандек туюларди.

Узини қушдек енгил ҳис этиб югуриб уйга кирган Дилором қувончини қалбига сиғдираолмасдан опасига айтганида у ҳам бирга шодлана бошлади.

Дилором Тошкент политехника институтининг архитектура бўлимига ўқишга қабул қилинган эди. Архитектура! Қанчадан-қанча билим, ҳунар ва тажриба талаб этади инсондан бу касб. Бундай мураккаб ва шарафли касбни танлар экан Дилором фақат серпарвоз орзуларига чулғанib қолмади. У ўқиш билан ишни бирга олиб борди. Политехника институтида кечқурун таҳсил оларкан ўрганиш, тажриба орттириш учун Тошкентдаги Республика Давлат лойиҳа институтига ишга кирди.

Лойиҳа институтида ишлар экан ўрганди, олдин кичик-кичик бинолар лойиҳасини, сўнгра каттароқ бинолар лойиҳасини яратишга ўзида журъат топа олди. У республикамиз шаҳар ва қишлоқларида қурилажак бинолар лойиҳасини яратишга ҳисса қўша бошлади. Косонсой район маркази ва Қаршн даҳасидаги 280 ўринли болалар боғчаси, Урганчдаги 124 ўринли сайёҳлар қароргоҳи Дилором ижодига мансубдир.

Ёш архитектор янги лойиҳалар яратиш устида ишлар экан у кишиларимиз яшаб турган кўп қаватли бинолар ҳозиргидан ҳам қулай, кўркам бўлиши устида фикр юритади.

— Шаҳарларимизда қурилаётган биноларда бир қарашда барча қулайликлар бордек туюлади, — дейди Дилором Саидова.— Лекин шу уйларимизда яшаб турмуш зарурятларини синчиклаб ўргансангиз ҳали улар тўла мукаммалаштиганига ишонч ҳосил қиласиз. Кўп қаватли уйларнинг подвалида шу уйларда яшовчилар учун бильярд, шахмат, шашка, турли мавзуларда лекциялар ўтказиш учун айрим зал ва хоналар қуриш мумкин. У ерда яшовчи мактаб болаларн учун турли ўйинлар ўтказиш хоналари ташкил қилиш, айниқса қиш пайтида керак бўлади.

Дарҳақиқат Дилором бугун янги типдаги биноларни ўйлар экан, унинг изланиши натижасиз қолмайди.

Ҳозир Дилором Саидова республикамизда биринчи марта қурилаётган ипподром лойиҳасини яратаётган инженер, ва архитекторлар қаторида самарали меҳнат қилмоқда.

Д. РАҲМОНОВ.



Нина Низомова йигирма икки йилдан бери «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг учинчи цехида ишлайди. У коммунистик меҳнат зарбдори. Кунлик топшириқларини ошиғи билан бажаради.

М. Нуриддинов ва И. Шоинағомов фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

АРАМБУРУНИНГ ЎҒИРЛАНИШИГА ДОИР

БУЭНОС-АЙРЕС. «Монтенерос» террорчилар группаси Росарио шаҳрида эълон қилган ахборотда бундай дейилади: Ана шу группа бундан бир неча кун илгари ўғирлаб кетган Аргентинанинг собиқ президенти Эухенио Арамбуру 2 июнда маълум вақт билан эрталаб соат 7 да қатл этилган.

Аргентина ҳукуматининг вакили президентнинг ўлдирилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот олмаганлигини айтди.

Кеча кечқурун мамлакат президенти томонидан чақирилган миллий хавфсизлик кенгаши декрет эълон қилди. Бу декретда айтилишича, Арамбуруни ўғирлаган кишиларни 48 соат давомида суд қилиш учун топилиши ва қатл этилиши керак. (ТАСС).

Дунёдаги кўпгина мамлакатларда оммавий намойиш ва митинглар ўтказилиб унинг қатнашчилари Американинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини дарҳол тўхтатлишини талаб қилмоқдалар.

СУРАТДА: Ғарбий Берлин полицияси Америкага қарши намойишда қатнашган студентларни калтакламоқда. Бу намойишда ўнлаб минг студент қатнашди.

ЮПИ—АПН фотоси.



МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Коломбо, ТАСС мухбири В. Шкалябин хабар беради:

Цейлон озодлик партиясининг раҳбари С. Бандранайке бошчилигида яқинда ўтказилган коалицион ҳукумат ўз вазифаларини бажаришга киришди. Янги ҳукумат олдида хусусан экономика соҳасида муҳим вазифалар турибди. Аҳолини озиқ-овқат билан, аввало, гуруч билан таъминлаш — асосий проблемаларнинг биридир. Цейлон озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили 900 миллион рупиядан ортиқ маблағ сарфлашга мажбур эди.

Тараққийпарварлар матбуотининг ёзишича, мамлакатнинг табиий бойликларидан тўла фойдаланиш масаласига ҳам катта эътибор бериш керак.

Чой — Цейлон экспорт қилаётган асосий маҳсулотларининг биридир. Ҳар йили 450 миллион фунтдан кўпроқ ана шу қимматли маҳсулот чет элларга юборилади. Аммо чой сотишдан олинаётган тушумлар камайиб бормоқда, чунки Лондон ва Коломбодаги чой аукционларида ҳукмрон бўлган чет эл фирмалари нархларни ўз билганларича тайинлайдилар.

Цейлон матбуоти саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш ясаш зарур эканлигини таъкидлаб, социалистик лагердаги мамлакатлар Цейлоннинг миллий экономикасини тиклаш ишига анча катта ҳисса қўшаётганликларини уқдириб ўтади.

ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Америка сенатори суд ва полицияни жиноятчилар олами билан боғлаганлиги ҳақида

Уюшган жиноятчилик Америка жамияти ва давлат аппаратини даҳшатли саккизоёқ чангалларидек ўраб олмоқда. Буржуазия қонунларни гражданлар ҳаётни ва мулкини гангстерлар синдикатларининг ҳужумларидан сақлаб қолишга қобилиятсизлик қилаяпти. «Тайм» журналининг д а - лолат бериб ёзишича, бу синдикатларнинг йиллик даромадлари 30 миллиард долларни ташкил этади. Ҳиндн ҳитойдаги урушга қарши норозилик билдираётган ва негрларга гражданлик ҳуқуқлари берилишини талаб қилаётган тинч намойиш қатнашчиларини шавқатсиз бостираётган америкалик тартиб сақловчиларнинг жиноятчилик оламининг бошлиқларига нисбатан мислсиз даражада мулойимлик кўрсатаётгани таажжубланарли бир ҳол эмас. Ахир улар суд ва полиция амалдорларини сотиб олиш учун пул аямайдилар-да.

Сенатнинг жиноят масалаларн бўйича кичик комиссиясининг раиси, сенатор Жон Мокклоллан «Ридерс дайжест» журналининг кейинги сонларидан бирида эълон қилинган мақоласида суд ва полиция аппаратларининг гангстерлар билан боғланганлиги ҳақида ёзади. Новости матбуот агентлиги шу мақоланинг қисқартирилган таржимасини газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.

Бизнинг суд ишларимиз билан таништувчи ҳар бир киши жиноятчилар синдикатларининг мудҳиш шуҳратидан фойдаланувчилар қаторидаги судланувчиларга нисбатан енгил-елпи ҳукмлар чиқарилаётганлигини пайқаб олади. Судлар жиноятчи 24 «онла» дан биронтасининг жиғига тегишга жазм этолмайдилар. Бу жиноятчиларга уларнинг энг йирик ва қудратлиси бўлган Коза ностра бошчилик қиладн. Бунн президент Никсоннинг ўзи ўтган йили апрелда конгрессга юборган мактубида эътироф этди. Мана судьяларнинг жиноятчилик бизнесининг бошлиқларига нисбатан нақадар бепарво қараётганликларини кўрсатувчи бир неча факт.

Чикагода полиция жиноятчилар оламининг маҳаллий бошлиқларидан бири Рокко Потенцони қамади. У қилган жинояти учун қонун бўйича 15 йил қамоқ ва 10 минг доллар жарима тўлашга ҳукм қилиниши керак эди. Потенцо суда ўзини ҳаёсизларча тутди, судьяларни таҳқирлади, анъанали қасамёд қилишдан бош тортди. Шунга қарамай озгина жарима тўлаш билан қутилди.

Пенсильвания штатида жиноятчилар тўдаси янгидан тайинланган округ прокурори Аллегин Маккиспортга ой сайин 2 минг доллар, бунинг устига йилига бир йўла 200 минг доллар «нафақа» бериб туришни таклиф этган. Бундан ташқари жиноятчилар унинг снёсий компаниясини маблағ билан таъминлашга ваъда бериб прокурор уларнинг шартларини қабул қилган тақдирдагина бутун округ номидан иш кўриши» мумкин деб ишора қилишди. Штат қонунларига мувофиқ мансабдор кишига пора таклиф қилганлик учун уч йил қамоқ жазоси берилиши керак. Лекин шубҳасизки, бу пора берувчилар ҳеч қандай жазога гирифтор қилинмади.

Сан — Францискода суд ҳисоботларининг бирида «Ғарбий соҳил жиноятчилар тўдасининг бошлиғи» деб аталган Жимми Фратианно ҳаракат қилмоқда. У талаш мақсадида камида16 кишини ўлдирган. Ниҳоят, унинг саргузаштлари шунақа жанжалли тус олдики, вақти-соати етгунча унга бармоқ орасидан қараб келган шаҳар судди Жимминн панжара орқасига яширишга мажбур бўлди. 1968 йил бошида у қамоқдан чиқарилди, лекин озодликда юрган бир неча ой ичида яна шу қадар кўп жиноят қилдики, Калифорнияда ҳукм сураётган қонунларга биноан у 80 йилга қамалиши керак эди. Унинг иши билан штат прокурорининг ўзи шуғулланди. Мана яқинда Фратианно уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу ҳам шартли равишда!

Мана бундан қолишмайдиган яна бир мисол: янги Англияда ашаддий бандит Луис Тальянеттн бошчилик қилаётган жиноятчилар тўдаси иш олиб боради. Ўлдириш, товламачилик қилиш, болалар ўғирлаш, талаш бу гангстерлар «фаолияти»нинг тўла бўлмаган рўйхати, холос. Бу ерда суд ва полиция амалдорларини сотиб олиш одатдаги иш бўлиб қолди. Афтидан шу сабабли Тальянетти ўз «даромадлари»дан давлатга солиқ тўламаганн аниқлангунча судван қуриқ чиқишга муваффақ бўлиб келган. Маъмурлар унинг солиқ тўламаганлигини кечира олмадилар ва суд жавобгарлигига тортдилар. Қонун бўйича у беш йил муддатга қамалиши керак эди. Бунинг ўрнига у етти ойлик қамоқ жазоси олиш билан қутилди. Бу жиноятчилар тўдаси ўн йиллар давомида қонли террор билан шуғулланмоқда, кишиларни ўлдирмоқда ва қийнамоқда.

Федерал разведка бюросининг 386 гангстер ишини текшириб чиқиши, улардан ҳар бирининг ўртача 8 мартадан қамалиши ва 20 йилдан қамоқда ётиши зарур бўлганини, бироқ уларнинг ҳаммаси ишлари қайта-қайта қараб чиқилиши натижасида қисқа муддат қамоқда ётиб, қутилганликларини кўрсатди.

[АПН].

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

БАЙРУТ. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамига бағишлаб Ливанда ўтказилаётган тадбирлар давом этмоқда. Шу ажойиб юбилейга бағишланиб, Тароблис шаҳрида кўргазма очилди. Бу кўргазмада улуғ йўлбошчининг ҳаёти ва революцион фаолиятини ҳикоя қилувчи фотосуратлар, В. И. Ленин асарлари, юбилейга аталган почта марказлари кўрсатилмоқда.

Тароблис шаҳрига араблар клубининг раиси, Ливаннинг таниқли адвокати Адип кўса кўргазмани очиш маросимида нутқ сўзлаб айтдики, «жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги Ливанда байрам қилинаётганлиги Ленин мамлакати бўлган, Америка империализмига ва Исроил агрессиясига қарши курашда арабларга жуда катта ёрдам бериб турган Совет Иттифоқи билан ғоявий, маданий ва снёсий алоқаларни мустаҳкамлашга араб халқларининг интилишини ифодаловчи ўрнак бўлмоқда».

ДЎСТЛАР ВИЗИТИ

СОФИЯ. Болгария Коммунистик партияси н М а р - казий Комитетининг ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига мувофиқ бугун бу ерга Монголия Халқ Революцион партиясининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбаль бошчилигидаги Монголия Халқ Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси келди.

Аэродромда делегацияни Болгария Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Министрлар Советининг раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва Болгариянинг бошқа партия ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек жамоатчилик вакиллари кутиб олишди.

СЕНЕГАЛ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ДАКАР. Сенегал ҳукумати кинофильмлар намойиш қилиниш устидан қатъий цензура ўрнатилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Сенегал маданият ва информация министри Алиун Ценнинг матбуот конференциясида айтишича, бу чора Сенегал томошабинларига, аввало мамлакат ёшларига зарарли таъсир ўтказаётган кинофильмларнинг йўлига тўсиқ бўлади.

Ҳукмрон партиянинг бултур йил охирида бўлиб ўтган съездида Сенегалда ўз маҳсулотларини кўплаб кўрсатишга уринаётган ғарб кинопрокат фирмаларининг иш усуллари қаттиқ қораланган эди. Бу фильмлар шахс зўравонлиги ва бузуқликни тарғиб қилар эди.

ПАРТИЗАНЛАР ҲУЖУМИ

ҚОҲИРА. «Ал-Асифа» отрядларидаги Фаластин партизанлари кеча Газо секторида Исроилнинг уч машинасини яксон қилдилар. Ана шу отрядларга кирувчи бошқа бир группа партизанлар Рафах шаҳридан жануброқдаги йўлга миналар кўмиб қўйдилар. Исроилнинг бир бронетранспортери шу миналарда портлади. Бирлашган фаластин қўмондонлиги вакилининг МЕН агентлиги тарқатган баёнотида шу ҳақда айтилган.

«Фаластинни озод этиш халқ фронти»нинг партизанлари кеча эрталаб Бейсан шаҳрига ракеталар отганлиги, шунингдек бир неча муваффақиятли операциялар ўтказганликлари ва бу операциялар натижасида душманга анчагина зарар етказилганлиги тўғрисида ҳам хабар берилди. (ТАСС).



- АСАЛАРИ ЗАҲАРИ — МИНГ ДАРДГА ДАВО
- ТАОМНИНГ ЛАЗЗАТЛИ КУКАТЛАРИ
- САНИРИГУЛБОҒ — КУНГИЛ ҚУВНОҚ
- ТИЛ БИЛГАН — ДИЛ БИЛАДИ

ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗИШ

Ип газлама, жун ва ипак кийимлардаги унча эскирмаган ёғ доғларини кетказиш осон. Аввало доғ теккан жойнинг ҳар икки томонига тиш порошоги сепиб, унинг устига оппоқ қоғоз ёпилади, кейин оғирроқ нарса билан бостириб қўйиш лозим. Бир сутка вақт ўтгандан кейин нарсани олиб, порошок қоқиб ташланади.

Яна бундай йўли бор. Доғланган жойнинг ҳар икки томонига бир неча қаватдан босма қоғоз қўйиб, иссиқ дазмол босиш лозим. Босма қоғоз ифлосланган сари, уни олиб ташлаб, янгисини ишлатиш даркор. Тозаланган жойни бензин билан артилса, яна яхши бўлади.

Ипакка ўхшаш нафис матолардаги доғни бир ош қошиқ сувга аралаштирилган бир ош қошиқ глицерин, ярим қошиқ нашатир спирти эритмасига солиб турилади. Ундан кейин, қайнаган илиқ сувда ювиб ташлаб, устидан дазмол босилади.

* * *

Қон доғини кетказишда дастлаб кийим-3—5 соат давомида совуқ сувга солиб турилади. Шундан кейин совунли илиқ сувда ювилади. Эскириб қолган қон доғларини аввал нашатир спиртли, кейин бурали эритма билан артилади. Бунинг учун, бир стакан сувга бир ош қошиқда нашатир спирти олинади, бура ҳам шу миқдорда ишлатилади. Кейин илиқ сувда ювилади.

Нафис газмоллардаги доғнинг устига совуқ сувга аралаштирилган картошка крахмали сурилади. Крахмал қуриганидан кейин, уни чўтка билан тозалаб, кийим яхшилаб ювилади.

ҲИКМАТЛАР

Ақл кўпга етказар,
Ҳунар кўкка етказар.

* * *

Эгри ўтирсанг ҳам, тўғри гапир.

* * *

Қинғир иш, қирғин иш.

* * *

Билаги кучли — бирни уради.
Калласи кучли — мингни уради.

* * *

Ёшлар бамисоли хазина, ундан истеган бойликни топиш мумкин.

* * *

Қилаётган ишингни севгил, шунда, ҳатто, энг оғир, машаққатли меҳнат ҳам ижоднёт даражасига кўтарилади.

* * *

Меҳнат барча нохушликни даволайдиган бебаҳо малҳамдир.

* * *

Асал билан заҳар ёнма-ён экилганини ҳеч қачон унутма.

● Қўшиқ шинавандаларига

БИЛМАЙМАН, БИЛОЛМАЙМАН

Талпиниб ғунча кўнглим,
Шошади бунча кўнглим.
Тошади бунча кўнглим,
Билмайман,
билолмайман.

Тарк этиб гоҳ уйқуни,
Уйлаб чиқаман уни.
Тушдими ишқ учқуни,
Билмайман,
билолмайман.

Тунү-кун мен маҳлиё,
Нега у боқмас қиё,
Севганим сезмасми, ё,
Билмайман,
билолмайман.

Ҳаёл ўрар йўлимни,
Ғурур тутар қўлимни.
Очсамми ё дилимни,
Билмайман,
билолмайман.

Талпиниб ғунча кўнглим,
Тошади бунча кўнглим,
Шошади бунча кўнглим,
Билмайман,
билолмайман.

Тўлан ҚУЗИБОЕВ.



Кўзлари шаҳло, рақслари барно бу қизлар саҳнага чиқиш олдидан сўнгги тараддудни кўришмоқда. Уларнинг табассумидан ўйинлари чиройли бўлиши сезилиб турибди.

И. ШОИНҒОМОВ ва М. НУРИДДИНОВлар фотоэтюди.

Зийрак шифокор

ИБН Сино томирнинг уришини ип орқали ҳам билар экан. Ипнинг бир учи беморнинг қўлига бойланган бўлиб, иккинчи учини ташқарида ўтирган Ибн Сино ушлаб олар экан. Шу тариқа, беморнинг дарди аниқланар ва дори-дармонлар тайин қилишар экан..

Бир куни шогирдлари устозни синаш учун ипнинг учини мушукнинг оёғига бойлаб қўйишибди. Шунда Ибн Сино ипнинг иккинчи учини ушлаб:

— Бу беморнинг давоси сичқон гўшти, — дебди.

Қул ўлимдан қутилди

БИР қул таомни ўлганга суяб, уй эгаларининг олдига қўйиб кетибди. Ўчоқ бошига қайтиб ўзи учун қолдирган овқатни ейверибди. Бир оздан сўнг қул хўжайинларидан хабар олгани келса, уларнинг ҳаммаси ўлиб ётган эмиш.

Қул дод-фарёд солибди. Одамлар ва шифокорлар йиғилишибди. Ҳамма бир оғиздан: «Қул овқатга заҳар қўшибди» дейишибди. Сўнг уни ўлимга ҳукм этибдилар.

Лекин қул «Ибн Синони кўриб ўлсам, армоним йўқ деверибди.

Ибн Синоям ҳам чақириб келишибди. Олим сир-синоатни обдон эшитар экан, гоҳ ўчоқ бошига бориб келар, гоҳ ҳовлини қадамлаб ўлчар ва гоҳо осмонга қараб қўяр экан. Сўнг ўликларни текширибди ва ниҳоят:

— Овқатда илон заҳари бор,— дебди.

Одамлар ҳаяжон билан: «Овқатга ким илон заҳари солибди»,— деб сўрашибди.

— Қул лагандаги овқатни ҳовлидан олиб ўтаётганида, осмондан лайлак учиб ўтган, лайлакнинг чангалида кўз ойнакли илон бўлган, унинг заҳари овқатга тасодифий томчилаб тушган,— деб жавоб берибди Ибн Сино.

Донишманд Ибн Синонинг зийраклиги билан ҳақиқат аён бўлиб, бегуноҳ қул ўлимдан озод бўлибди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

● *Табиат оламида*

ЎЗИНИ ҚУРБОН ЭТИБ...

ТАБИАТ ҳар нарсага қодир. У инсон учун, бутун жонзод учун ҳамма нарсани яратиб беради. Кишилар табиатнинг қимматбаҳо тортиғи — асалдан фойдаланиш билан бирга, асалари заҳарининг шифобахш хусусиятига ҳам эътибор берганлар.

Асалари заҳарининг одам организмига таъсири XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий нуқтаи назардан ўрганила бошланди.

Кўп тажриба ва кузатишлардан сўнг, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги олимлари медицина Советя 1957 йилда асалари заҳари билан даволаш ҳақидаги махсус инструкцияни тасдиқлади. Хозирги пайтда асаларини чақтириб даволаш усули мамлакатимизнинг турли клиника ва касалхоналарида кенг қўлланилмоқда.

Аммо асалари заҳарини ҳамма касалликларга қарши ўйламай ва заҳар хусусияти билан танишмай туриб қўллаш зарар келтиради, ҳатто кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Тоза асалари заҳари тиниқ суюқлик бўлиб, унинг қирқ проценти қуруқ қолдиқдир. У ҳавода тез қотиб қолади. Ҳиди асал ҳидини эслатади. Таркибида хлорид кислотаси, чумоли ва ортофосфор кислоталари, ўн саккизта аминокислота, гисталин, магний, сульфат, кальций, мис, олтингугурт, учувчан мойлар ва оқсил моддалари бор. Бирданига беш юз минг асалари чақса (0,2 грамм заҳар) қон гемолизга учрайди, яъни қоннинг шакли, элементлари парчаланади ва одам ҳалок бўлади.

Асалари заҳари бўйича ўтказилган жуда кўп текширишлар натижасида унинг яна бир ажойиб хусусияти борлиги маълум бўлди. Бу микробларни ўлдириш хусусиятидир.

Жумладан, ревматизм (бод) касаллигини даволашда асалари заҳари ажойиб таъсир кўрсатади. Веналик врач Филипп Терч ревматизм билан оғрир эди. Тасодифан уни асалари чақиб олади ва Терч ревматизмдан деярли халос бўлади.

Шундан кейин, Ф. Терч асаларини чақтириш методи билан бир юз етмиш уч беморни даволайди. Ревматизмни тамоман даволаш учун бир даволаш курси (икки юзта чақтириш) тавсия қилинмайди.

Турли асаб касалликлари, жумладан, неврит, невралгия радикулит ва бош оғриғини даволашда ҳам асалари заҳари муҳим ўрин тутади.

Невропатолог, академик М. Б. Кроль клиникасида асаб касалликлари асалари заҳри билан муваффақиятли даволанмоқда. Саккиз-ўн чақтиришдан сўнг беморлар ўзларини яхши ҳис қилишади.

КУЗ касалликларини даволашда асалари заҳридан жуда қадимдан фойдаланилган. Оғир ўтувчи ирит (кўз ёш пардасининг яллиғланиши) натижасида, кўзнинг кўриш қобилияти жуда заифлашиб қолган чоғда ҳам асалари заҳри билан даволаш яхши натижа бермоқда. Олти-етти кун ичида беморнинг кўриши нормага яқинлашади. Аммо, асалари билан кўз касалликларини даволашда ғоят эҳтиёт бўлиш лозим.

Асалари заҳарининг юрак ва қон босимига таъсири айниқса кучли. Шунингдек, асалари заҳаридан баъзи тери касалликлари, нафас қисиш ва гипертония касаллигининг бошлангич пайтларида ва болалар касалликларини даволаш практикасида фойдаланиш мумкин.

Аммо, шуни алоҳида уқтириш керакки, асаларининг чақиши баъзи касалликларга даво деб бўлмайди. Сил ва руҳий касалликлар, жигар, буйрак, қанд диабети ва юқумли касалликларда, ҳомиладор аёлларда асалари заҳарини қўллаш тавсия қилинмайди.

АСАЛАРИ заҳари билан даволашнинг энг оддий ва қулай йўли — асаларини табиий йўл билан чақтиришдир. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи ва чет мамлакатларда асалари заҳрининг синтетик йўл билан олинган препаратлари ишлаб чиқилган.


Маълумки, асалари инсонга ўзининг шифобахш заҳрини тақдим қилади ва уни катта бахтсизлик — касалликдан халос бўлишига ёрдам беради. Бу йўлда у ўз-ўзини ҳам қурбон қилади. Шунинг учун ҳам, бу бегараз туҳфа — асалари заҳарини қадрлаш, ундан ўринли фойдаланиш керак.

А. МАВЛОНОВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тинглочиси, врач.


МИТТИ РАДИО ВА ТЕЛЕВИЗОРЛАР



Мана бу «Старт-б» телевизори Москвада тайёрланган.



«Лира» магнитафонида севиб ёзиб олган куй қўшиқларингизни истаган жойда қўйиб эшитаверасиз.



Чиройли қутичага ўхшаш мана бу «Электрон» аппарати овозни кучайтириб беради.

● Ез неъматлари

САРИМСОҚ гажак ва жусай ошкўк сифатида ошпазлигимизга янги кириб келяпти. Илгари биз саримсоқнинг парракларигина таомга ишлатар эдик, унинг лентасимон барги ва қалам каттагидаги сиялиқ, гуллаш олдидаги гажжак бош чиқарадиган танасини ташлаб юборар эдик. Аммо саримсоқнинг ялпиз ва гулидан ташқари қисмлари ҳар хил таомларга ишлатилса яхши натижа бериши аниқланган.

Хусусан, барги майда тўғралиб, шўрва, суюқ ош ва лағмонга солинса ғоят тотли бўлади. Саримсоқ бошларида бор неъматлар барглари ва ёш танасида ҳам бор. Танасини майда тўғраб лағмон қайласига солинса, таомга бенихоят лаззат бағишлайди. Ҳазмитаомлик вазифасини ўтайди. Ери 4—5 сантиметр узунликда тўғраб тенгма-тенг қиймага аралаштириб, пича ёғ билан қовуриб димлаб қўйилса, саримсоқ ўзеги ялиқ бўлиб кетади.

Жусайни кўпчилик танимайди, таниса ҳам қандай овқатларга ишлатишни билишмайди. Бу ошкўкнинг асли ватани Тянь-Шань тоғлари бўлиб, эндиликда водийга олиб келиниб маданиялаштирилган. У асосан уруғидан кўпаяди. Уруғи пиёз уруғига ўхшаш, лекин майдароқ,

ЯНГИ ОШКЎКЛАР

танаси силлиқ ва тик ўсувчи, барглари лентасимон, томирида пиёзи бўлмаса-да, бу ўсимлик пиёзгулдошлар оиласига мансубдир.

Овқатга тўқ яшил, майсасимон, ёш барглари ишлатилади. Барглари нинг мазаси саримсоқ пиёз мазасига ўхшаш, лекин бироз нафисроқ, ҳиди ҳам саримсоқ ҳидини эслатади. Демак, жусайда зарарли микробларнинг қирғинини келтирувчи фитонцид деган модда бўлиши керак. Албатта, бу ошкўк витаминларга, айниқса, аскорбин кислота деб аталувчи «С» белгили дори-дармонларга анча бой. Унда минерал моддалар ва таом кислоталари ҳам бўлиши турган гап. Ҳалн ҳеч ким бу ўсимликни текширмаганн учун таркиби тўғрисида тўла маълумотга эга эмасмиз. Ҳар ҳолда, таом сифатида ишлатилаётган жусайнинг парҳез таом ва дори-дармонлик хусусиятлари катта.

Жусай кўкини майда чопиб, шўрва ва лағмон қайласига ишлатилса, яхши натижа беради, таомни безайди, витаминлар билан бойитади ва лаззатли қилади, биноварин, овқат ҳазмланиш жараёнига ижобий таъсир қилиб, маълум маънода физиологик аҳамият ҳам касб этади.

Гўштсиз, пиёзсиз нок жусайнинг ўзидан мантн тайёрлаш мумкин. Бунинг учун жусай майсасини ювиб, узунлигини гугурт чўпидай қилиб қирқасиз, бунга чопилган чарвн (ялозн бўлса думба ёғи) қўшиб аралаштирасиз, туз-намагини ростлайсиз, вассалом. Мана шу кўк қийма дан мантн тугасиз ва 20-25 минут давомида қасқонда буғлайсиз. Ҳамирн албатта тухум қўшиб тайёрланган бўлиши шарт.

Жусай қуюқ-суюқ овқатларга қўшиладиган ошкўклар сингари қўшимча масаллиқдагина иборат бўлиб қолмай, балки мантн каби алоҳида таом учун асосий масаллиқ вазифасини ўташи ҳам мумкин экан.

Карим МАҲМУДОВ.

✻ Бу қизиқ

КЎП ТИЛНИ ЎРГАНГАН ОДАМ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош таржимони Жорт Смит 1946 йилдан буён бу ерда фаол ишлаб келмоқда.

Смит ҳозирги вақтда жаҳондаги энг машҳур кишилардан бири. У Парижда ўсиб таълим олган. Ёшн эллик тўртда. Смит шундай ҳикоя қиладн.

«Мен дунёдаги мавжуд бўлган тилларни ўрганишга ёшлигимдан жуда қизиққанман. Ун ёшга кирганимда хорижий тилларни ўргана бошладим. Ҳозир француз, инглиз, рус, испан, араб, немис, итальян, португал, турк ва бошқа бир қанча тилларда бемалол гаплаша оламан ва хатларнинг ёза оламан. Жамн бўлиб эллик уч тнл ёзувларнинг ўқий оламан».

Жорт Смит тузган луғат сўзлари уч минг саҳифадан иборат.

Шу пайтгача у, дунёнинг саксон уч мамлакатида бўлган. Смит ҳар йили бир давлат тилнн ўрганмоқда.

Смитнинг фикрича, агар инсон бир тилнн мукаммал ўрганса, шу тилга яқин тилларнн тез ўзлаштирнб олади. Масалан: Смит ҳозир япон, қозоқ, малайзия, курд, турк, ўзбек ва вьетнам тилларнинг жуда равон ўқийди.

✻ Анъаналаримиз

Боғ сайли

ЎЗБЕК меҳмондорчилигида боғ сайли кўпдан одат бўлиб, боғбон томонидан ташкил этилади. Мақсад: қариндош-уруғ, ёр-биродарларни ўзи меҳнат қилиб ўстирган боғ-роғларининг ям-яшил гўзаллигидан, гулларнинг муаттар ҳидлари ва ажиб зеболигидан, шириншарбат меваларнинг лаззатидан ва мусаффо ҳаводан баҳраманд қилишдир.

Меҳмонлар нозу-неъматларни ўз қўллари билан узиб олиб, истеъмол қиладилар. Дастурхонга ҳам келтирилади. Боғ сайлида асосан мева-чева кўп истеъмол қилинганлиги учун, мезбон меҳмонларнинг доим иссиқ чой билан таъминлаб туради ва пировардида шўрва, қовурма ёки бирон бир овқат тайёрлайди.

Боғ сайли яхши анъаналаримиздан бири бўлиб, дам олишни меҳнат билан қўшиб олиб борадиган, яъни кўнгилли ишни фойдали иш билан бирга бажаришга имкон берадиган меҳмондўстлик шаклидир.

Боғ сайлидан ташқари ўзбекларда дала сайли ҳам бор. Дала сайли оила аъзоларидан, дўстлардан, ҳамкасблардан иборат группа иштирокида ўтади. Айни меҳмондорчиликнинг мақсади —дала, дарё бўйлари, адир ва тоғлар, ўрмонли жойларга бориб сайр қилиш, табиатнинг гўзаллигидан, соф ҳаводан, ўсимликларнинг муаттар ҳидларн, ёлпоз сувларнинг салқинидан баҳраманд бўлишдир.

Дала сайли меҳмондорчилигида мезбонлик вазифасини ўтовчи шахс бўлмайди. Таомларни саёҳатга чиқиш олдидан ҳар ким ўзи тайёрлаб олган бўлади. Агар овқат сайргоҳ жойда тайёрланадиган бўлса, бунга барча иштирок этади. Очиқ ҳаво да таом тайёрлаш ва истеъмол қилишнинг ажойиб гашти бор. Дала сайлида ҳар хил ўйинлар (бекинмачоқ, лапта) ўйналади, гул терилади, суратларга олиш ташкил этилади ва овоз борича қўшиқ айтишга бу сайл жуда қўл келади.

Ушбу сайл кишига табиат гўзаллигидан эстетик завқ берадиган, дам олишни кўнгилли ўтказишни таъминлайдиган, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайдиган яхши воситадир. Дала сайли, айниқса, ёш болалар учун жуда мароқли бўлади. Эркатойлар қувнаб ўйнаш, роҳатланиб чўмилиш, гул ва турли мевалардан баҳраманд бўлишдан ташқари, янги-янги, ҳали ҳаётида учратмаган ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқа табиат предметлари тўғрисида таассурот ва билимга ҳам эга бўлиб қайтадилар. Дала сайлига ёш болаларни тез-тез олиб бориш уларнинг савиясини кенгайтиради.



Сой-саённи ва файзли Тошкент ҳайвонот боғи ёзги кунларнда чиққан болалар билан доим гавжум. Айниқса, кичик аймқчаларнинг эркаланиб ўйнашлари, оқ айиқларнинг сувдан балиқ тутиб еймшлари ва маймунларнинг қизиқ қилиқлари кишини бенихоя хурсанд қилади.

Ю. БУТУСОВ фотолари.

ЁЗ—СОЗ ЎТАДИ

ХАНДАЛАР

— Мен деворга мих қоқа туриб, болга билан қўлимни уриб олдим.

— Болгани икки қўллаб ушлаб қоққанингда, қўлингга тегиб кетмасди.

* * *

Яқинда турмушга чиққан қиздан онаси сўради:

— Қизим, эринг билан қандай яшаяпсан, жанжал-панжал қилмаяптимн?

— Ҳозирча яхши турибмиз. Куёвингиз нима сўрасам беряпти, нима десам бажаряпти.

— Демак, сен кам сўрар, кам буюрар экансан-да, — деди она.

РАССОМ ТАБАССУМИ



ХЎРОЗ: — Бебош-тўполончи, тухумни нега синдирдинг?
ЖЎЖА: — Онам ташлаб кетган...



АЁЛ:—Сенга ҳисоблашни тўғри ўргатган эдимку?
СОТУВЧИ: — Кечирасиз, ҳисобдан дарс берганингизни унутибман.



«Қиёмга етган» маст:
— Оҳ, азизлар, «бир-бир» қиламизми?

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Холландаларникига аммаси меҳмон бўлиб келди. Аммасининг кулоғидаги каттагина балдоқни кўрган Халида аёсидан сўради:

— Ая, аммам нега қулоқларига қулф осиб олганлар?


* * *

— Ўктамхон, дадангни қайси кўзинг билан яхши кўрасан?
— Иккала кўзим билан.
— Аянги-чи?
— Озини билан.
— Нега.
— Аям кўп гапирадилар-да!

* * *

— Дада, аямнинг отларини билмайсизми?
— Биламан, нега сўраяпсан қизим?
— Билсангиз, нимага аямни менинг отимни айтиб «Гулнора» деб чақирасиз?

М. ВАЛИХОНОВ,
Қўқон шаҳри.



Рудольф Абель Қайтиш

Бу хотиранинг автори билан ортиқча таништиришга ҳожат йўқ. Ажойиб совет разведкачиси Рудольф Иванович Абелнинг номи ҳаммага маълум. Қуйида биз унинг биографик хотираларидан қисқартириб босдик. Уни тўлалигича «Чекистлар ҳикоя қиладилар» номи билан чиқаётган тўпламда ўқиш мумкин. Бу тўпламни «Советская Россия» нашриёти босмага тайёрлади.

Қамалганимнинг бешинчи йили охирлаётган эди. Янги, олтмиш иккинчи йилни кутиб олдик. Кўчада чимакам жанубий қиши. Совуқ унча қаттиқ бўлмаса-да, суяк-суякдан ўтадиган шамолдан, ёмғирдан қийим баданни ҳимоя этолмас эди. Бунинг устига озиқ-овқатнинг ёмонлиги ҳам шундоққина билинарди.

Олтинчи февраль кечқурунги пайт. Биз камерада ўтирардик. Назоратчи яқинлашди.

— Абель, нарсаларингизни йиғиштиринг. Пастга тушасиз. Назоратчи мен нарсаларимни йиғиб олгунча кутиб турди. Бу унча кўпга чўзилмади. Менинг нарсаларим суратлар солинган папка, математик ҳулосалар чиқарилган дафтар, қариндош-уруғлар ва адвокат ёзган хатлар, бир неча китоб, сокол оладиган прибор, рўмолча, совун ва шунга ўхшаш бошқа майда-чуйдалардан иборат эди. Ниҳоят, камерадагиларга кимга қандай топшириқ бериш, бошқа нарсаларни нима қилиш тўғрисидаги гапларни айтдим.

Камерадан чиққач, пастда мени навбатчи хонасига олиб киришди. У ерда ҳамоқхона бошлиғи ўтирар эди.

— Сиз Нью-Йоркка жўнашингиз керак. Ҳозир сизга костюм беришади.

Мени каптеркага олиб киришди, сўнгра сартарошхонага ниҳоят яна навбатчи ўтирган хонага. Навбатчи хонасида эндигина мени ҳамоқхона бошлиғининг ўринбосари кутиб олди ва нарсаларимни бирга кўриб чиқишни айтди. Суратларим солинган папка ҳамда математик ҳулосаларимни у бир чеккага суриб қўйди.

— Буларни кўриб чиқишимиз керак, — деди у.

Мен бу ишлар асл нусха эканлигини, иккинчи нусхаси ҳамоқхонада қолганини айтганимда, у менга: «Хавотир олманг, биз сизга бу нарсаларингизнинг ҳаммасини жўнатамиз», — деди.

Тунги соат иккида мен самолётда ўтирар эдим. Соат бешда эса Нью-Йорк ҳамоқхонаси бўйича навбатчи мени кутиб олди. Бир кундан кейин 8 февралда соат ўн бешда мени яна кийинтиришиб, ҳамоқдан олиб кетишди. Ҳамоқхонадан чиқаверишда кўчада мени Атлантада ҳамалиб ётганимдаги ҳамоқхонанинг собиқ бошлиғи Уилкинсон кутиб олди.

Биз машинага ўтирдик. У ерда мендан бошқа яна бир неча киши бор эди. Биз тушган машина бошқа бир машина билан изма-из жанубий томон йўл олди. Канал-стрисга етгач, биз Гудзон дарёси остидаги тоннелга кириб, Нью-Жерси штатига ўтиб, Вашингтон томон йўл олдик. Аммо кўп ўтмай, биз бу йўлдан бошқа ёққа бурилдик. Мен Уилкинсондан: «Каёққа кетяпмиз?» — деб сўраганимда у: «Ўзим ҳам билмайман»,— деб жавоб берди.

Нью-Йоркдан тахминан юз чақиримча узоқлашгач, аэродром олдида тўхтадик. У ҳарбий аэродромга ўхшарди. Дарвоза олдида бироз тўхтаб қолдик. Уилкинсон кимгадир телефон қилди. Сўнгра бизнинг машиналаримизни тўрт моторли самолёт олдига ҳайдаб боришди.

Қоронғи тушган эди. Биз ҳавога кўтарилиб, изга тушиб олганимизда юлдузлар чақнаб турарди. Мен самолёт ойнасидан ташқарига қараб. Кутб юлдузини топдим ва қаёққа учаётганимизни англадим. Биз тахминан ўн етти градус Шарқ томонга қараб борардик.

Мен Нью-Йоркдан Шимолий Европага шу томондан кесиб ўтишни биладирам. Уилкинсон қаёққа учаётганимизни сўраганда мен: «Европага» — деб жавоб бердим.

У бироз ҳайратга тушиб қолди. Аммо мен юлдузга ишора қилганимда, у буни қаердан билганимни тушунди. Биз узоқ учдик. Туни билан на кундузи ҳам анчагача фазода сузди. Фақат қаердадир, ГФР нинг Висбаден яқинида бир қўниб, бензин олдик ва самолётнинг майда ремонт ишлари битирилди.

Берлинда биз Темпельхоф аэродромига қўндик. Бу ерда бизни аллақандай одамлар машинада кутиб туришарди. Биз шаҳар бўйлаб анча юргач, АҚШ оккупация қўшинлари жойлашган бинога яқинлашдик. Мени ертўлага олиб тушишди. Бу ерда ёнма-ён иккита катак турар эди.

Ҳа, катакнинг худди ўзгинаси! Уларнинг узунлиги икки ярим метрлар чамаси бўлиб, баландлиги икки метрдан ва эни икки метрдан камроқ эди. Хипчинлар диаметри тахминан йигирма беш миллиметр келадиган юмалоқ пўлатдан тайёрланган эди. Катакнинг ичига кроват қўйилган.

Менга кийимларимни ечишни буюришди ва пижамага ўхшаш уст-бош бериб, сўнг ана шу катакларнд бирига қамашди. Орадан кўп вақт ўтмай, одам жағлайдиган даражада ипирчи овқат олиб келишди. У маза-матрасизлиги билан ҳам кўринишига монанд эди. Мен овқатланмай, кроватга чўзилдим.

Мени икки киши кўриқлаб эди. «Нимага энди бунча кўриқлашаркин?» деб ўйладим ўзимча. Иш айрбошлашга томон кетаётгани тамоман равшан эди. «Кочиш» маъносиз». Бу америкаликлар эса афтидан мени ўзини-ўзи ўлдиради деб хавотирланишаётган бўлишса керак. Тентаклар!

Мен жойлашиб олган катакнинг панжарадан иборат шипига қараб, ҳаётимнинг сўнгги йилларидаги ҳамоқ хоналарни хотирлай бошладим. Ҳамоқ ва суддан кейин Техас, Нью-Йорк, Атланта ва бошқа ҳамоқхоналарда бўлдим. Шу давр ичида кўрган одамларимни хаёлимдан ўтказдим. Турли хил жиноятчилар, уларни кўриқлаётган назоратчилар... Ҳаммасини унутилади!

Мен тутқунликда бирга яшаган айрим бандиларни ҳам хотирладим. Уларнинг орасида Женовезе ва Костелло сингари каллакесарлар; «Линдберг қонуни» бўйича биринчи марта бир зодагоннинг қизини олиб қочгани учун ҳамалган Робинсон; банка ўғрилари; ҳар хил товламачилар; сохта пул ясовчилар ва бошқалар бор эди. Уларни санаб адо қилиб бўлмайди! Ҳар йили ҳамоқхона аҳолисининг таркиби тахминан эллик процентга янгиланар эди. Мен Атлантада ўтказган тўрт йил давомида у ерга етти мингдан ортиқ киши келиб кетди. Майда ўғрилар ва товламачилар тез келиб-кетишарди. Ҳатто шундай пайтлар ҳам бўлардики, кимнингдир озодликка чиққаники ўйлаб улгурмай, ўша одам яна қайтиб шу ҳамоқхонага келтирилар эди.

Мен қўли шикастланган кекса бир чўлоқ кишини эслайман. Уни қўйиб юборишди. Қариндош-уруғлари йўқ эди. У қаердадир тунги қоровуллик қила бошлабди. Олган маошига тириқчилик ўтказиш қийин бўлганидан у яна ҳамоқхонага қайтишни афзал билибди. Бунинг учун почта машинасини ўғирлаб, бу ишнинг сохталигини билдирмаслик учун машинани бошқа штатга ҳайдаб кетибди. Иш федерал судга топширилади. Судда у нега жиноятга қўл урганини тушунтириб беради ва уни ҳамма яхши биладиган ва у ҳам у ердаги одамларни биладиган, тартиб-қоидалари маълум бўлган Атлантага юборилишини суддан илтимос қилади...

Қамалганлар орасида истъдодли, ақлли ва қўлидан иш келадиган одамлар ҳам бор эди. Бироқ ҳамма нарса пулга олиб сотиладиган жойда фақат бойларгагина бахт кулиб боқар, бева-бечоралар бурда нонга зор бўлиб, шу ярамас тузум туфайли бузилишга маҳкум бўлар эдилар. Бундай одамлар болалигиданоқ эрталабки нонуштасига нон, апельсин ёки олма ейиш учун ўғирлик қилишга мажбур бўлар эди. Ота-оналари бундай нарсаларни олиб беришга қурби етмас эди. Улар башанг кийинган бойваччаларни қимматбаҳо машиналарда кўрардилар, бу бойваччалар ҳашаматли уйларда ёки ажойиб меҳмонхоналарда яшар эдилар. Биноборин ана шулар оқибатида ҳалиги бева-бечоралар пулдорларгина яхши яшай олиши мумкинлигига ва улар пуллари йўқлиги учун ёмон ҳаёт кечираётганликларига кўзлари етиб қолади. Шунингдек, улар бойлар ва пулдорлар қилган ҳар қандай товламачилик жазосиз қолдирилаётганлигининг кўп марта гувоҳи бўлардилар. Хўш, уларнинг бойиш учун талаш ва товламачилик қилиш керак деган хулосага келганига ажабланса бўладими?

Жиноятчилар осонгина йўл билан пул топадилар деб ҳам бўлмас эди. Чунончи банк ўғрилари ўз муддаоларини амалга ошириш учун узоқ муддат тайёрланадилар. Оилаб атрофдаги вазиятни ўрганадилар, банкдаги тартиб-қоидаларни ва қачон йирик маблағ келиб тушишини синчиклаб текширадилар. Сохта пул «совчилар бундан ҳам кўпроқ вақт ва куч сарф этадилар. Сохта пул ясовчилардан бири ўз «маҳсулотини бир йил давомида тайёрлаган. Шундай бўлса ҳам меҳнатининг натижасига эришолмаган. Суд вақтида экспертлар тасодифгина давлатни катта зиён кўришидан сақлаб қолганлигини сохта пуллар шу даража катта маҳорат билан тайёрланганини айтадилар. Дарҳақиқат бу одамнинг ови юришмаган!

[Давоми бор].

Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун қамалганлар

✦ АБДУҚОДИРОВ Р. 1923 йилда туғилган. Тошкент тўқув комбинатининг аппаратчиси. Маст ҳолида уйида тўполон қилганлиги учун 15 сутка қамалди.

✦ САЙКО М. И. 1911 йилда туғилган. Чкалов номли завод шофёри. Уйида жанжал қилиб, қўшниларининг тинчлигини бузганлиги учун 15 сутка қамалди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

✦ ИНОЗЕМЦЕВ М. В. 1930 йилда туғилган. Чкалов номли завод слесари. Ҳушёрхонага маст ҳолида келтирилган.

✦ ПОТАПОВ П. М. 1926 йилда туғилган. Чкалов номли завод-нинг 33-цехи слесари. Маст ҳолида Ҳушёрхонага олиб келинди.

САЁҚ РЕЙС

●Ҳодиса

Санэпидстанциянинг шофёри А. Раимов чойчақа ишлаш мақсадида кўчага чиқиб, йўловчиларни излай бошлади. У ўзининг «УАЗ» машинасига бозорга мева-чева сліб бораётган йўловчиларни ўтказиб йўлга чиқди.

Машина ҳайдовчиси «Саёқ рейс» билан кетаётганлигидан чўчиб машина тезлигини оширо борди. У Уйгур кўчасида транспорт қоидаларини қўпол равишда бузиб, машинани қаршисидан келаётган автомашина олиб бориб урди.

«УАЗ»даги йўловчиларнинг ҳаммаси жароҳатланди... Ҳозир улар шифохонада даволанишмоқда.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6|VI да **Жизель**, 7|VI да **Севилия сартароши** (кундузи), Севги тумори (кечқуруни).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|VI да **Замон драмаси**, 7|VI да **Бой ила ҳизматчи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6|VI да **Катта концерт**, 7|VI да **Фарғона тонг отгунча**, 8|VI да **Гавҳари шамчироқ**.

Кино

6 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Лочин изидан — «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Чингачгук — катта илон (2 серия. давоми **Лочин изидан**) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Дилбарим — НАВОИЙ номли (кечқуруни).

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кечқуруни).

Кичик ҳикоя учун сюжет — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқуруни).

Уч тунлик муҳаббат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9.45 минутда).

Чингачгук — катта илон — «МОСКВА» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Лочин изидан — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Ҳавфли гастроллар — «ХИВА».

7 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Лочин изидан — «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруни), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 8 да).

Чингачгук — катта илон (2 серия, давоми Лочин изидан) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Дилбарим — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруни).

Кичик ҳикоя учун сюжет — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Уч тунлик муҳаббат — КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Чингачгук — катта илон — «МОСКВА», (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Лочин изидан — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Ҳавфли гастроллар «ХИВА».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

6, 7 ИЮНДА

КУРАШ МАЙДОНИДА

ЁШ ТАЛАНТЛАР КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: **ДАДАХОН ҲАСАНОВ**

Одилжон ОХУНЖОНОВ, Жўрахон РАҲИМОВ, Олимжон ОРИФЖОНОВ, Турсунбой ҲАКИМОВ, Рустамжон ХОЛИҚОВ ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Касса кундуз соат 3 дан ишлайди.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

7, 8 ИЮНДА

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти **ҒУЛОМ АБДУРАҲМОНОВ.**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ТУХТА РИСМЕТОВА.**

Солистлар: Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дилбар ФАЕЗОВА, Хайрилла ФАЕЗОВ, Сора ШУКУРОВА, Шариф ҚУРБОНОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОРКЕСТРИ ВА АНСАМБЛИ

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

16 июнь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрохимия ва тупроқшунослик факультетларининг илмий совет кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

П. Сайтқанов: «Тошкент областининг суғориладиган ерларида бир далада кетмакет ўстирилган горох ва маккажўхорининг ҳосилига минерал ўғитларнинг таъсири» деган темада;

Р. С. Исаев: «Ҳар-хил қатор оралиғида экилган пахтага минерал ўғитларнинг миқдори ва солиш усули» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси Тошкент область, Оржоникидзе — 4)да танишиш мумкин.

16 июнь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтининг илмий совети кенгашида иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. П. Забалуева: «Шоличилик совхозларни ички ер тузилиш лонхасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ахтисослаштириш ва уни иқтисод томонидан асослаб бериш (Ўзбекистон ССРнинг иш тажрибасида)» деган темада;

Р. А. Фатрахманов: «Ўрта Осиё шўрланган ерларидаги ёпиқ горизонтал дренажларни тозалашнинг рационал усуллари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Учительская кўчаси, 39 уй) да танишиш мумкин.

18 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Куйбишев кўчаси, 14 уйда техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Л. Берман: «Канон толасидан тайёрланган лентанинг оғирлигини узликсиз ўлчаш» деган радиоизотоп асбоби» деган темада;

Р. Н. Ваҳапов: «Тез оқар каналларда ўта кучли оқимларнинг ҳаракатини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тукай кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

18 июнь кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий даражалар берувчи совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, Тош ДУ, бош корпус, Г-303 аудитория)да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

С. Д. Косюк: «Квадратур ва кубатур формулалар билан алоқадор бўлган айрим масалалар» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4 уй) да танишиш мумкин.

Тошкент область Оққўрғон район М. Горький номли 27 ўрта мактаб томонидан **Нуркеев Нуриддин** номига берилган 588763 номерли йўқолган **ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«АВТОРЕМПРИБОР» ЗАВОДИГА

СЛЕСАРЛАР: ускуналар бўйича, авторемонтчилар; газ электр пайвандчилар, электр монтёрлар, пластмасс пресловчилар, юкчилар, шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 35 уй (1, 4, 8, 10 троллейбуслар, 10, 11 автобусларнинг «Ленин кўчаси» бекати).

17 июнь кундуз соат 2 да Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совети кенгаши (морфология корпуси, 2 зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Я. В. Иногомов: «Айрим ошқозон касалликларида тўқима аминокислоталар миқдорини ўзгариши» деган темада.

17 июнь кундуз соат 2 да даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совети кенгаши (морфология корпуси, 2 зал)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. С. Гильдиева: «Балиқларда қон ва қон ишлаб чиқаришнинг ҳар турли фаслларда. АКТГ ва гидрокортизон таъсиридаги ҳолати» деган темада:

Г. П. Иоаннидис: «жағ бўғимининг ҳаракатсиз қотиб қолишининг клиникаси ва уни даволаш» деган темада.

19 июнь кундуз соат 2 да даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совети кенгаши (морфология корпуси, 1 зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. П. Забалуева: «Шоличилик совхозларни ички ер тузилиш лонхасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ахтисослаштириш ва уни иқтисод томонидан асослаб бериш (Ўзбекистон ССРнинг иш тажрибасида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103 уйда танишиш мумкин.

Е. С. Банк: «Агглютинация берувчи иммуноглобулинларни продуцент-эшакларни зардобидан ажратиб олиш усуллари» деган темада;

И. Я. Усмонова: «Хлорорганик ва фосфорорганик пестицидлар таъсирида организмда нимун реакциялари» деган темада.

19 июнь кундуз соат 2 да педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совети кенгаши (морфология корпуси, 2 зал)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. С. Гильдиева: «Балиқларда қон ва қон ишлаб чиқаришнинг ҳар турли фаслларда. АКТГ ва гидрокортизон таъсиридаги ҳолати» деган темада:

медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

В. П. Рябченко: «Тухум, донга — нонизациялашган радиациянинг таъсири ва ундаги компенсатор тикланиш имкониятларининг анализи» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103 уйда танишиш мумкин.

Радио

6 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўрта Осиё республикалари халқларининг куйлари. **18.40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19.20** Лирик концерт. **20.00** «Ленинном» программаси (рус. ча). **20.30** Жаҳон халқларининг қўшиқлари. **21.00** «Социалистик мамлакатларда» (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.20** «Шанба оқшомида». Концерт. **23.10** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Современник» билан учрашув (русча). **20.00** Тожик халқ қўшиқлари. **20.30** Закавказье халқларининг куйлари. **20.50** И. Н. Оранский. «Мамлакатни ёппасига электрлаштириш» (русча). **21.00** «Жаҳон мусиқа санъати хазинасидан». Р. Шуман этюдлари. Музикали эшиттириш. **21.40** «Татар ёзувчиларининг янги асарлари». Суҳбат (татарча).

7 ИЮНЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Шогирдлар — устозлар ҳақида» (Ўзбекча). **8.25** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси эстрада оркестрининг концерти. **9.30** Шарқ куйлари. **10.10** «ГАБАССУМ» радиожурнали. **11.35** Ёш ижрочилар концерти. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** Оперетталардан кувноқ саҳифалар. **15.00** СССР санъат усталарининг концерти. **17.40** «Экран янгиликлари». **18.00** «Музикали глобус» (Ўзбекча). **18.40** Бах. Скрипка ва оркестр учун концерт. **19.20** Ўзбек халқ куйлари. **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **21.00** «Мамлакат ва қитъаларда» (Ўзбекча). **21.10** «Бахт водийси». Музикали-адабий композиция (Ўзбекча). **22.20** «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. **23.20** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Чет эл эстрада артистларининг концерти. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Москва, Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Классик куйлардан дам олиш концерти. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** «Шашмақом»дан парчалар (тожикча). **21.30** «Ленинном» программаси (Ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Ўзбекистон композиторларининг оркестр куйлари. **17.00** «Юность» Ўзбекистана» радиостанциясининг программаси. **17.40** Д. Пуччини. «Жанни Скикки» операси. **19.00** «Табассум» радиожурнали.

Телевизор

6 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.20 Телевизион янгиликлар, **18.35** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим», **19.30** Танишинг, «Ўзбектелефильм». **20.30** Декада кунларигн. **20.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Янгиликлар. **21.05** Ярим аср йилномаси. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. «1938 йил». **21.50** «Новости дня». Киножурнал. **22.00** Рангли телевидение. «Марианна Колли». Телеспектакль. **23.30** «Сизнинг фикр-мулоҳазангиз?» Суҳбат. **24.00** Эстрада концерти. **00.30** Рангли телевидение. «Трембита». Бадиий фильм. **02.30** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.40** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.15 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар. **18.45** Спорт эшиттириши. **19.25** Янгиликлар. **19.30** П. И. Чайковский номидаги тўртинчи халқаро конкурс. Концерт. **20.30** Социализм дунёси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 21.00 Халқ хизматида. **21.30** «Қаерда яхши дам олиш мумкин». Кинофильм. **21.40** «Дўстлик чаманзори». Украинча рақслар. **22.20** «Тоғларда қалбим менинг». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. **19.00** Янгиликлар. **19.15** Стандартизация ва техника прогресси. **19.35** Музикали экран.

Тожик тилида: 20.15 Шу йилнинг лауреатлари. **21.00** Кечки эртаклар. **21.10** «Вена почта маркаси». Бадиий фильм. **22.25** Янгиликлар. **22.40** «Шашмақом»дан парчалар.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, район маориф ходимларининг касаба союз ташкилоти ва 132-ўрта мактаб коллективлари шу мактабнинг математика ўқитувчиси М. Ирисметовга отаси

Рўзимат ИРИСМЕТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент оқшоми 6 ИЮНЬ, 1970 й. «Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар — 33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579

НАШР 3020

Р—00695